2016 ЙИЛ 30 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (13.195)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

Илгари хабар қилинганидек, шу йилнинг 22 июнь куни Президент Ислом Каримов мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Хитой Халқ Республикасининг Раиси Си Цзиньпин билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб, депутатлар ва сенаторлар билан учрашди. Қуйида давлатимиз раҳбарининг мазкур учрашувда сўзлаган нутқи матни эълон қилинмоқда.

Муҳтарам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари!

Қадрли хитойлик дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Бугун шу муҳташам залда нафақат мамлакатимиз интеллектуал оламининг таниқли намояндалари, айни вақтда, таъбир жоиз бўлса, бутун Ўзбекистоннинг тимсоли, халқимиз барча қатламларининг вакиллари бўлган инсонлар йиғилган. Юртимизда содир бўлаётган улкан ислоҳот ва ўзгаришларга, Ўзбекистоннинг барқарор суръатлар билан ривожланишига, бир сўз билан айтганда, биз эришаётган муҳим ютуқларга муносиб ҳисса қўшаётган, бу жараёнларда депутат ва сенатор бўлишидан аввал ҳам фаол иштирок этган одамлар ўтирибди.

Бугун сиз, азизлар – парламентимизнинг ҳар икки палатаси вакиллари ўз юксак мавқеингиз билан мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш жараёнларининг ҳаракатга келтирувчи кучи сифатида фаолият кўрсатмоқдасиз. Сизларнинг орангизда мен доимо "азиз фарзандларим" деб ўз меҳрим ва эътиборимни билдирадиган ёш авлодимизнинг ҳам кўплаб вакиллари борлиги мени айниқса хурсанд этади. Ишонаманки, сизлар нафақат ёшларимиз, балки бутун Ўзбекистон халқининг манфаатларини ифода этасиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда турли соҳаларда қўлга киритилаётган улкан натижалар сайловларда сизу бизга ишониб, овоз берган одамларнинг, халқимизнинг орзу-ниятлари албатта амалга ошади, деб айтишга тўла асос беради.

Мана, ўзингиз гувоҳсиз, бугунги кунда биз кейинги ўн йил давомида дунёдаги саноқли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бўйича 8 фоиздан зиёд кўрсаткичга эришмоқдамиз. Бундай юксак марраларга эришиш учун бизнинг ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, яқин ҳамкоримиз бўлган, бизнинг дўстимиз Си Цзиньпин раҳбарлик қилаётган Хитой мамлакатининг тажрибасини ўрганиб иш олиб бораётганимиз сизларга яхши маълум. Хитойнинг қандай катта ўсиш суръатлари билан тараққий этаётгани, бир пайтлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 10-12 фоизни ташкил этганидан ҳам сизлар албатта хабардорсиз.

Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бу залда Ўзбекистонга ким амалда дўсту ким оғизда дўст эканини яхши биладиган одамлар ўтирибди. Бу ҳақда гапиришимнинг боиси шундаки, бизнинг бундай ўсиш суръатларимизга қандайдир ғайирлик билан қарайдиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Биз фақат бир нарсани, яъни, бутун инсоният каби, дунёнинг энг илғор ва ривожланган давлатлари каби муносиб ҳаёт кечиришни истаймиз. Ҳозирги кунда Хитой шундай юксак ривож топган давлатлардан бири эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугун биз ўз зиммасига катта бир масъулиятни – Хитой Халқ Республикасидек буюк давлатни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш вазифасини олган етакчи билан учрашиб турибмиз. Ҳаммамиз яхши биламиз, ислоҳотчи шахсларнинг ҳаёти осон кечмайди. Ислоҳотчи бир ишни бошладими, уни охиригача етказмасдан қўймайди, ўз мақсадига етмагунча ҳеч қачон тиниб-тинчимайди. Бугун жаноб Си Цзиньпин ўзаро суҳбатимиз давомида ўз мамлакати буюк хитой ислоҳотчиси Дэн Сяопин раҳбарлигида ривожланиб, улкан натижаларга эришганидан буён 25-30 йил ўтганини, бугунги ҳаёт талабларини чуқур англаган ҳолда, у ана шундай ўта оғир ва мураккаб вазифани, яъни Хитойни янада тараққий топган давлатга айлантириш масъулиятини ўз зиммасига олганини айтди. Ҳозирги вақтда Хитой мамлакати унинг Раиси раҳнамолигида ана шу тараққиёт йўлини изчил давом эттираётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Биз ҳам ўзимиз танлаган, ҳар томонлама чуқур ўйланган ислоҳотлар йўлидан қатъият билан бориб, улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Лекин, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етиб бориш учун бу ҳали етарли эмас. Аввалambор, янада жадал тараққий этишимизга халақит қилаётган, йўлимизда ғовтўсиқ бўлиб турган айрим масалаларни қайта кўриб чиқишимиз зарур. Бу, албатта, ниҳоятда масъулиятли вазифадир.

Бу ҳақда гапирганда, бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки йилларда бизга ҳеч ким четдан келиб ёрдам бергани йўқ. Агар 25 йил олдинги тарихга назар ташлайдиган бўлсак, юртимиз қандай оғир аҳволга тушиб қолгани яққол аён бўлади. Бизга эски мустабид тузумдан бирёқлама ривожланган, пахта монополияси авж олган, асосан хомашё етказиб беришга мослашган заиф ва ночор иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Пахтани ўзимиз етиштирар эдиг-у, лекин унинг нархи амалда қанча эканини билмас эдик. Уни фақат хомашё сифатида билардик, холос. Қайта ишланган пахта собиқ Марказга кетар, уни четга сотиш билан ҳам фақат Марказ шуғулланар эди.

Тасаввур қиласизми, мен ўша пайтда республика молия вазири бўла туриб олтин қазиб олиш бўйича СССРда иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда олтиннинг баҳоси қанча эканини аниқ билмас эдим. Юртимиз заминидан катта ҳажмда қазиб олинган турли нодир металлар, уран ва бошқа стратегик товарлар ҳақида ҳам бизда ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Мухтасар айтганда, собиқ тузум даврида Ўзбекистон ярим мустамлака даражасидаги республика эди. Энг ёмони, ўша пайтда юртимизнинг ўзида бironта ҳам мустақил бошқарув, режалаштириш идораси йўқ эди. Биз ҳатто солиқни қандай йиғиш, давлат хазинасини қандай тўлдириш, одамларни қандай боқиш кераклигини ҳам билмас эдик. Мустақиллик арафасида 20 миллиондан ортиқ аҳолимизни боқиш учун юртимизда бор-йўғи 15 кунга етадиган ун ва буғдой захираси қолган эди, холос. Буларнинг барчаси Ўзбекистон қандай оғир аҳволда, деярли жар ёқасига келиб қолганини кўрсатади.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ана шундай ўта қалтис бир вазиятда бизга ким ёрдам берди? Ўзбек халқи дўст кулфатда билинишини ҳеч қачон унутмайди. Хитой халқида ҳам, ўзбек халқида ҳам дўст кулфатда, яъни оғир вақтда ёрдам қўлини чўзиши ҳақида мақоллар бор. Тилда бир гапни айтиб, дилида бошқа нарсани ўйлайдиган, амалда эса мутлақо бошқа ишни қиладиганларни албатта дўст деб бўлмайди.

Биз аҳолиси 1 миллиард 300 миллион кишини ташкил этадиган Хитойдек улкан мамлакатнинг стратегик шериги бўлиш масъулиятини яхши англаймиз. Беқиёс салоҳиятга эга бу мамлакат бир авлод ҳаёти давомида, тасаввур қилинг, иқтисодий ўсиш бўйича жаҳон миқёсида иккинчи ўринда турадиган давлатга айланди. Глобал тараққиёт локомотиви сифатида кўплаб муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишда фақат иштирок этадиган давлатга эмас, айни пайтда, бу масалаларни ўзи мустақил ҳал эта оладиган қудратли мамлакатга айланди. Бундай давлатнинг стратегик ҳамкори бўлиш биз учун катта шараф.

Сизларга яхши маълум, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ватанимизга бу сафарги ташрифини тўғри пойтахтимиз Тошкент шаҳрига келишдан эмас, балки қадимий шаҳарларимиздан бўлган Бухоро билан танишишдан бошлашга қарор қилди.

Шуни айтиш керакки, юксак мартабали меҳмонимиз Бухорога келиб, Аркни зиёрат қилди ва унинг деворларидан юқорига кўтарилиб, бутун шаҳарни томоша қилди. Бу – мамлакатимизнинг бой тарихига, неча минг йиллик тараққиёт ва маданиятни ўзида мужассам этиб келаётган юртимиз заминига чуқур ҳурмат ифодасидир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Самарқанд ва Хитойнинг Сиань шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган. Келгусида Бухоро билан Хитой Халқ Республикасининг яна бир шаҳри биродарлашувига ишонаман.

Бугун Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин жаноблари мамлакатимизга давлат ташрифи доирасида ўзаро ҳамкорлигимиз истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб берадиган кўплаб ҳужжатлар имзоланди. Уларнинг орасида Хитой томонидан Ўзбекистонга кредит сифатида 2,7 миллиард доллар ажратилиши ва умумий қиймати 6,2 миллиард долларлик объектлар қурилишини назарда тутадиган ҳужжатлар борлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ана шундай муҳим келишувлар учун ўз номимдан, сизларнинг номингиздан Хитой Халқ Республикаси Раисига миннатдорлик билдираман.

Мен Си Цзиньпин жаноблари "Биз Ўзбекистон Президенти билан бир-биримизни яхши тушунамиз" деган сўзларини такрорламоқчиман ва бундай юксак эътирофни ўзим учун катта шараф деб қабул қиламан. Бизнинг ҳар биримиз, айниқса, халқнинг ишончли вакиллари бўлган сиз, ҳурматли депутатлар Хитой билан ҳамкорликни қадрлашимиз ва бу ҳамкорлик юксак самара бериши учун янги йўлларни излаб топишимиз лозим.

Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: Хитой халқининг фаровонлиги – бу Ўзбекистон халқининг фаровонлиги. Ўзбекистон халқининг фаровонлиги – бу Хитой халқининг фаровонлигидир.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Президент Ислом Каримов!

Ҳурматли депутатлар, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида бўлиб ўтган расмий музокаралар чоғида биз Президент Ислом Каримов билан Хитой ва Ўзбекистоннинг сиёсий жиҳатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий, суверенитет ва хавфсизлик масалалари бўйича энг муҳим манфаатларимизни биргаликда илгари суриш юзасидан келишиб олдик.

Биз давлатларимиз томонидан танлаб олинган ривожланиш йўлини ўзаро қатъий қўллаб-қувватлаймиз, сиёсий барқарорлик ва давлат ҳокимияти хавфсизлигини ҳамкорликда таъминлаймиз. Тараққиёт йўлидаги амалий ҳамкорлигимизни ҳар томонлама чуқурлаштириш, ривожланиш стратегиясини мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқалар имкониятларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари, инфраструктура, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича ҳамкорликни янада жонлантириш ишларини амалга оширамиз. Шунингдек, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмунан тўлдириш мақсадида ҳамкорлик доирасидаги устувор лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашни янада оширишга, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтиришга, хавфсизлик бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамда халқаро майдондаги ишларни мувофиқлаштиришни кучайтиришга аҳамият қаратамиз.

Хитойда "Дўстинг қанча кўп бўлса, йўлинг шунча кенг бўлади", деган мақол бор. Олий Мажлис аҳоли турли қатламларининг энг нуфузли вакилларини ўзида мужассам этади, сиз эса, ҳурматли депутатлар – Хитой халқининг дўстларисиз. Ўйлайманки, сиз келажакни кўра билган ҳолда, Хитой – Ўзбекистон алоқаларини янада равнақ топтиришга, ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаш ва дўстлигимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшасиз.

Хонимлар ва жаноблар, азиз дўстлар!

Ўзбекистонга ташрифим кун тартибидан яна бир муҳим тадбир – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитида иштирок этиш ҳам ўрин олган. Жорий йилда ташкилотимиз тузилганига 15 йил тўлади. Ўтган йиллар давомида ШҲТ "Шанхай руҳи"ни, яъни, ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенг ҳуқуқлилик, маслаҳатлашувлар, маданиятлар ранг-баранглигига ҳурмат ва ҳамкорликда тараққиётга интилиш тамойилларини ривожлантира бориб, халқаро муносабатларнинг очиқлик, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва умумий ютуқларга эришиш принциплари асосидаги янги намунасини фаол илгари сурган ҳолда минтақа барқарорлиги ва фаровонлигига муҳим ҳисса қўшди. Ташкилот такомиллашгани сари кенгайиб бормоқда ва бугунги кунда ШҲТ оиласида Марказий, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган 18 та давлат мавжуд. Ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг салоҳияти тобора кўпроқ намоён бўлмоқда. Унинг халқаро майдондаги мақоми ва таъсири тобора ошмоқда.

Ўзбекистон ШҲТга раислик қилган мамлакат сифатида Ташкилот доирасида йўлга қўйилган кўп қиррали ҳамкорликда амалий натижаларга эришишда улкан ҳисса қўшди. Бунинг учун Президент Ислом Каримовга, Ўзбекистон ҳукумати ва халқига самимий миннатдорлик билдирмоқчиман. Хитой томони ўзбекистонлик ҳамкорлар ҳамда Ташкилотга аъзо бошқа давлатлар билан Тошкент саммитини янги старт нуқтаси сифатида қабул қилиб, минтақа мамлакатлари ва халқлари равнақи йўлида ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик даражасини ҳар томонлама юксалтиришга тайёрдир.

Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий ўз шеърида айтганидек, "мен халқим бахтли ва фаровон яшашини истайман". Бу эзгу истакни бизнинг умумий мақсадимиз ва абадий орзу-ниятимиз деб ҳисоблайман. Шунингдек, Хитой ва хитой халқи Ўзбекистон ҳамда дунёдаги бошқа барча мамлакатлар халқлари билан биргаликда инсоният тинчлиги ва тараққиётига хизмат қилишдек олий мақсад йўлида доимо қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилишга тайёр эканини билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 июнь куни Оқсаройда Польша Республикаси, Венгрия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Корея Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Петр Ивашкевич, Петер Санто, Ерик Утембаев, Содиқ Имомий, Квон Ён У, Сайид Шаҳобиддин Темурийдан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари Европа ва Осиё дипломатик миссиялари раҳбарларини самимий қутлар экан, Ўзбекистон ушбу давлатлар билан ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга алоҳида аҳамият беришини таъкидлади ва уларнинг масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади.

Польша элчиси билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабат ўрнатилганидан буён ўтган 24 йил давомида кўп қиррали ва самарали мулоқот йўлга қўйилиб, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўйича ижобий тажриба тўплангани ва ҳамкорликнинг қарийб 50 ҳужжатдан иборат салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоси шаклланган таъкидланди.

Петр Ивашкевич Ўзбекистон халқи польшаликлар қалбидан алоҳида жой олганини таъкидлади. Польшада Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб қолган фуқароларга кўрсатилган ёрдам юксак қадрланади ва бу ўзаро муносабатларга алоҳида самимият бағишлайди.

Венгрия элчиси билан суҳбатда Ўзбекистонда Венгрияга мамлакатимизнинг Шарқий Европа ва умуман, Европа иттифоқидаги анъанавий ва муҳим шериги сифатида қаралиши қайд этилди.

Олий мақом ва юқори даражадаги ташрифлар доирасида икки томонлама муносабатларга мустаҳкам асос яратилган ва келажакдаги ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгиланган.

Венгриянинг қароргоҳи Тошкентда бўлган биринчи элчиси сифатида фаолият бошлаган Петер Санто турли соҳаларда Ўзбекистон – Венгрия ҳамкорлигининг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшишни Ўзбекистондаги миссиясининг асосий йўналиши деб билишини таъкидлади.

Ерик Утембаев билан суҳбатда Ўзбекистон ва Қозоғистон мустақилликка эришганидан буён ўтган 25 йил давомида мамлакатларимиз ва халқларимизнинг узоқ муддатли умумий манфаатларига асосланган ҳамкорликнинг янги даражасига эришилгани таъкидланди.

2016 йилнинг 14-15 апрель кунлари Тошкентда бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Қозоғистон музокаралари ўзаро алоқаларда муҳим ўрин эгаллаб, кенг кўламли масалалар, жумладан, минтақавий муаммолар ҳамда ўзаро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича фикр алмашиш имконини берди. 2015 йилда ўзаро савдо ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди, транспорт, коммуникациялар ва транзит соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг ижобий тенденциялари кузатилмоқда.

Қозоғистон элчиси ўзаро манфаатли муносабатлар бўйича тўпланган тажрибани асраш ва бойитиш, ҳар икки давлат ва халқ манфаати учун амалий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашиш Ўзбекистондаги дипломатик миссияси диққат марказида бўлишини таъкидлади.

Тожикистон элчиси билан учрашувда ўзбек ва тожик халқларининг тақдирини умумий тарих, маънавий қадрият ва анъаналар боғлаб туриши таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТ саммити асносида Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари ўртасида ўтказилган учрашув ҳамда унда эришилган келишувлар Ўзбекистон – Тожикистон муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Содиқ Имомий янги тайинланган элчи сифатида ўзаро ҳамкорликни изчил мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр эканини таъкидлади.

Корея Республикаси элчиси билан суҳбатда Жанубий Кореянинг Бош вазири Хван Гё Аннинг яқинда Ўзбекистонга келгани ва 21 май куни кенг кўламли қўшма лойиҳа – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши якунлангани ва унинг расмий очилишига бағишлаб ўтказилган маросим мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлгани таъкидланди.

Элчи Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ҳурмат-эҳтиромини етказар экан, Жанубий Корея раҳбарияти Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни бундан буён ҳам янада мустаҳкамлаб, янги мазмун билан бойитишга тайёр эканини, ушбу мақсадларга эришиш учун бутун куч-ғайратини ишга солишини таъкидлади.

Афғонистон элчиси билан учрашувда кўп асрлик яқин қўшничилик ва бир-бирига ёрдам бериш анъаналари Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси экани қайд этилди.

Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон мутахассислари иштирокида Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган ягона Термиз – Мозори Шариф темир йўл тармоғи барпо қилинди, бошқа инфратузилма лойиҳалари ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда. Афғонистонга, жумладан, Кобул шаҳрига электр энергияси узлуксиз етказиб берилмоқда.

Сайид Шаҳобиддин Темурий Афғонистон халқи Ўзбекистоннинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий қайта тиклашга амалий ёрдам кўрсатаётганидан чуқур миннатдор эканини таъкидлади.

Президентимизнинг хорижий давлатлар элчилари билан суҳбати чоғида минтақавий ва халқаро сиёсатга доир долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

(ЎзА)

ШҲТ САММИТИ ЖАМОАТЧИЛИК НИГОҲИДА

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2016 йилнинг 23-24 июнь кунлари пойтахтимизда ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси якунларини ўрганишга бағишланган экспресс-сўров ўтказди.

Сўров натижалари шундан далолат берадики, мамлакатимиз фуқаролари Президентимиз Ислом Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ўзбекистоннинг раислиги давридаги фаолиятига юксак баҳо берган. ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкентдаги мажлиси ушбу ташкилот тарихида ШҲТ фаолияти самарадорлигини ошириш, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида муҳим келишувларга эришилган саммит сифатида алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлаган.

Фуқароларнинг аксарияти (91,8 фоизи) саммитни кузатдингизми, деган саволга ҳа, деб жавоб берган.

Сўров халқимиз ўз мамлакати ва энг нуфузли ташкилотлардан бирига уч марта раислик қилган Президенти ҳамда унинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб бораётгани билан фахрланишини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг 100 фоизи шундай жавоб берган.

Фуқароларимиз Тошкент саммитида Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга қўшилиши тўғрисидаги масала ҳал этилганини ижобий баҳолайди.

Аксарият иштирокчиларнинг фикрича (92,2 фоиз), ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси хайрихоҳлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида ўтди. Саммит иштирокчиларининг амалий мулоқот қилишга интилиши ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг кўп томонлама муваффақиятли ҳамкорлигининг асосий омилига айланди.

Сўров якунларининг кўрсатишича, юртдошларимиз саммит натижаларидан тўла қониқиш ҳосил қилган. 98,2 фоиз иштирокчининг фикрича, ШҲТнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раислигида ўтган Тошкент саммити ШҲТ Давлат раҳбарларига ташкилот доирасида кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш билан бирга, бошқа минтақавий ва халқаро долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш имконини берди.

Юртдошларимизнинг кўпчилиги (92,4 фоизи) саммитда ШҲТни янада мустаҳкамлаш, унга аъзо давлатлар хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш бўйича эришилган келишувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Сўровда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарларининг Тошкентда ўтказилган 15-юбилей мажлисида қабул қилинган қарорлар ШҲТ маконида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, тинчлик, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Экспресс-сўров давомида аҳоли томонидан Ўзбекистон ва шахсан Президент Ислом Каримовнинг ШҲТга раислик қилгани тарихий аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди. 97,3 фоиз иштирокчининг фикрига кўра, ШҲТ Давлат раҳбарлари учрашувида эришилган улкан муваффақият ва ижобий натижалар кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги ҳамда Президентимиз раҳнамолигида мажлисга юксак савияда тайёргарлик кўрилгани самарасидир.

97,6 фоиз иштирокчи ШҲТнинг Тошкент саммитидан кутилган самарага тўлиқ эришилди, деб ҳисоблайди. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида халқаро муносабатларни ривожлантириш орқали ташкилот фаолиятини янада такомиллаштиришга доир самарали чоралар кўрилаётгани, Марказий Осиё минтақаси ва умуман, ШҲТ маконида хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муҳим ташаббуслар ишлаб чиқилиб, жорий этилаётганига ишончи комил.

Сўровда иштирок этган 99,6 фоиз респондентнинг фикрича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 15-юбилей мажлиси Тошкентда муваффақиятли ўтказилгани мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилади.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири
Нодира МАНЗУРОВА тайёрлади

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Адолат" социал демократик партияси томонидан "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар" лойиҳаси доирасида "Жамоатчилик назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Сиёсий кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, ҳудудий кенгашлар матбуот котиблари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этишди.

Тадбирдан кўзланган мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, соҳада қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш юзасидан мутахассислар ва соҳа вакиллари билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашишдан иборат.

Давра суҳбатида оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг тобора фаол иштирокчисига айланиб бораётганини эътироф этган ҳолда, бу борада партия бир қанча вазифаларни ўз олдига қўйгани, жумладан, сайловолди дастурини амалга ошириш юзасидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурида устувор вазифалар ўрин олгани таъкидланди.

Хусусан, жорий йилдан бошлаб партиянинг "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар" лойиҳаси амалиётга татбиқ қилинмоқда. Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад ОАВ фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган қонунчиликни таҳлилий-танқидий ўрганган ҳолда уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш, фаолиятини кенгайтириш бўйича қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий килишга қаратилган.

– Бугунги тадбирда оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги муҳим масалалар, соҳанинг қонунчилик асослари, жорий этилаётган янгиликлар, мустақиллик йилларида ушбу соҳани ривожлантириш бўйича эришилган натижалар муҳокама этилди ва келгусидаги вазифалар белгилаб олинди, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Ёқубов. – Шунингдек, партиямиз томонидан ташкил этилган "Медиа олам: тенденциялар ва истиқболлар" лойиҳаси доирасидаги тадбирлар, ОАВ билан ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган келишув дастурларини ишлаб чиқиш борасидаги масалалар кўрилди.

Анжуман доирасида Ўзбекистон "Адолат" СДП ташкил топганининг 20 йиллиги муносабати билан таъсис этилган "Куч — адолатда!" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, танловда партия фаолиятини тарғиб қилувчи энг яхши журналистик материаллар муаллифлари ғолиб бўлишди.

Абдували СОДИҚОВ



"Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган "Uzbekistan Agrotechmash Expo – 2016" халқаро кўргазмасида ўнта мамлакатдан қишлоқ хўжалиги техника ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган йигирмадан зиёд етакчи компания, "Агрегат заводи" ва "Чирчиққишлоқмаш" акциядорлик жамиятлари таркибига кирадиган корхоналар, тижорат банклари ва лизинг компаниялари иштирок этди.

Аъло Абдуллаев олган сурат

ШАҲАРЛАРИМИЗНИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Ўзбекистон шаҳарларининг энг янги тарихи: ислоҳотлар ва модернизация жараёнлари" мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик маркази ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда шаҳар маданияти тараққиётининг асосий хусусиятлари ва йўналишлари таҳлил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида шаҳарсозлик йўналишида амалга оширилган ишларнинг моҳияти аввало анъанавий шаҳарсозлик усулларини тиклаш ва уни замонавий талаблар асосида ривожлантиришга йўналтирилганида экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори Р.Абдуллаевнинг айтишича, шаҳарларда ижтимоий-маданий инфратузилма, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тараққиёти аҳолининг турмуш даражаси, ҳаёт сифати юксалиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий конференцияда "Шаҳарлар иқтисодиётининг барқарор ривожланиши масалалари", "Шаҳарларда ижтимоий-маданий инфратузилма тараққиёти", "Урбанистика масаласида замонавий назарий қарашлар" сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференция доирасида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Жамоатчилик кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳам ўтказилди.

Бекзод ҲИДОЯТОВ

СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилаётир.

Бу борада "Ўзстандарт" агентлиги, хусусан, Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатлар айтишга арзигулиқдир. Бугунги кунда бошқарма томонидан Тошкент шаҳрида республика давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда стандартлаштириш ва метрология соҳалари бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқаришни метрологик таъминотини яхшилаш, стандарт ва техникавий шартларда аҳолининг соғлиги, мол-мулкига ва ҳаёти хавфсизлигини сақлаш, истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида сифатни баҳолаш ва назорат қилиш, ўлчовлар бирлигини таъминлаш, метрологик назорат ва стандартлар устидан давлат назоратини ўтказишда ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармасида машинасозлик ва енгил саноат назорати, озиқ-овқат саноати назорати, метрология ва аккредитланган сертификатлаш идоралари ҳамда синов лабораториялари устидан назорат бўйича бўлимлар мавжуд. Мазкур бўлимлар белгиланган режа-жадвалга асосан Тошкент шаҳрида жойлашган корхоналарда стандартлар талаблари, ўлчов воситалари ҳолати ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиш устидан давлат назоратини олиб борадилар.

Шу билан бирга бошқарма Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Давлат солиқ идоралари ҳамда Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармалари билан биргаликда пойтахт ҳудудида жойлашган бозорлар, хусусий тадбиркор ва фирмалар дўконларида мониторинглар ўтказиб боради, аниқланган камчиликлар бўйича тушунтиришлар берилади.

Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва амалдаги қонунларга асосан тадбиркорлар билан ўтказиладиган ўқув-семинарлари чора-тадбирлари режасига асосан жорий йилда Миробод, Олмазор ва Сергели туман ҳокимликларида 150 га яқин тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилди ва камчиликларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар берилди.

Пойтахтимиздаги деҳқон бозорлари раҳбарлари ва бир қатор мутасаддилар иштирокида деҳқон бозорларида тош ва тарозилардан фойдаланиш, истеъмолчиларга қулайликлар яратиш, бозор ҳудудларида давлат қиёслаш кўригидан ўтказилмаган тош ва тарозилардан фойдаланишни назоратда ушлаш юзасидан қатъий кўрсатмалар бериб бормоқда.

Айни пайтда пойтахтимиз бозорларида фойдаланилаётган механик тарозиларни замонавий электрон тарозиларга ўтказиш ишлари кетмоқда. Бу борадаги ишлар ҳар бир чоракда босқичма-босқич олиб борилмоқда ва жорий йил якунига қадар барча бозорлар электрон тарозилар билан тўлиқ таъминланиши кўзда тутилган. Электрон тарозиларга ўтилиши мижозларга қулайликлар яратиш билан бирга ўлчовларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур тарозилар йилда бир маротаба қиёслаш кўригидан ўтказилиши белгиланган.

Абдуалим САЛИМОВ

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди Сурхондарё вилояти ҳудудий филиали томонидан "Соғлом авлод – юрт келажаги" мавзусида конференция ўтказилди. Тадбирда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

● Бухоро туманидаги "Маданият Муҳаммад Исмат" фермер хўжалигида Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида такрорий экинларни етиштиришда экологик соф технологиялар мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Тадбир доирасида иштирокчилар Бухоро туманидаги "Арбоб Ботир", "Дилноз ўғли Абдухалил" ва "Бафо Мардон Шариф" фермер хўжаликларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан ҳам танишди.

● Наманганда ўтказилган "Ёш сиёсатчи – 2016" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида 12 нафар иштирокчи билим ва истеъдодини намойиш этди. Иштирокчилар ўз ҳудудларидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларга оид аниқ масалалар, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни жамоатчилик, тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда ёки маҳаллаларда ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш ва бошқа муаммоларни ҳал этиш бўйича лойиҳаларини тақдим этди.

● Навоийда ўтказилган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичида шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 10 нафар маслаҳатчи 3 шарт бўйича ўзаро баҳслашди.

● Самарқандда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Солиқ билимдонлари" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ўтказилди. Танловда ўқувчи-ёшлар тўрт шарт асосида ўз билимини синовдан ўтказди. Билимдон жамоаларнинг чиқиши солиқ соҳаси ходимлари ҳамда малакали мутахассислардан иборат ҳайъат томонидан баҳолаб борилди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон ўзининг BrahMos русумли қанотли ракетасини куз ойларида учиришини маълум қилди.

● Буюк Британия ички ишлар вазири Тереза Мэй Консерваторлар партияси етакчилиги ва мамлакат бош вазири лавозимига ўз номзодини қўйди.

● АҚШлик олимлар ҳис-туйғу ва ўй-хаёлларни ўқий оладиган электрон қурилма ихтиро қилди. Ускуна, аввало, имконияти чекланган кишилар, ақли заиф ва асаб касаллигига чалинган беморлар учун тавсия этилади. Илк маротаба қурилма текширувидан Паркинсон хасталигига чалинган киши ўтди. Қурилма беморнинг сув истаётгани, сўнгра бунинг учун раҳмат айтганини маълум қилди.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ХАЙРЛИ ИШЛАР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

"Соғлом авлод учун" фонди жисмонан соғлом, ҳар томонлама маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, "Соғлом она — соғлом бола" ҳаракатини ривожлантириш борасида бир қатор хайрли тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Анжуманда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси ўринбосари Н. Мўминов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари ҳақида сўз юритди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам Давлат дастурларида белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқда. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида экологик ноқулай шароитда яшовчи аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда "Саломатлик" поездлари ташкил этилди.

Ушбу йилнинг март-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларининг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолисига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Кўчма тиббий-ижтимоий ёрдам бригадалари ҳарбий муассасаларда бўлиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

Ўтган ойлар мобайнида "Саломатлик" поездлари томонидан жами 37474 нафар аҳолига чуқурлаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга манзилли равишда озиқ-овқат пакетлари, кийим-кечаклар, дори-дармонлар, витаминлар, тиббиёт жиҳозлари, санитария-гигиена воситалари ва бошқалардан иборат жами 8 млрд. 701 млн. 300 АҚШ долларига тенг бўлган инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Мурувват ёрдамлари ҳудудлардаги "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйлари, ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатлар ва тиббиёт муассасаларига тарқатилди.

Мазкур хайрия тадбирларидан кўзланган асосий мақсад экологик жиҳатдан ноқулай шароитда истиқомат қилувчи аҳолининг, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, шунингдек, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ҳамда мурувват ҳаракатини ривожлантириш ишида кенг жамоатчилик эътиборини жалб этишга қаратилгандир.

Жумладан, Фонд томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш, туғма ва орттирилган хасталиклар билан касалланган болаларни соғломлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг "Friedesdorf International" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бемор болалар чет эл клиникаларида соғломлаштирилмоқда.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг Жанубий Корея, Сингапур давлатларидаги бир қатор халқаро хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳам самарали кечмоқда. Мазкур халқаро ташкилотларнинг вакиллари юртимиз шифокорлари иштирокида жойларда соғломлаштириш акцияларини ташкил этмоқдалар ва натижада, оналар, болалар ва кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Фонднинг кўчма тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари ҳам аҳоли орасида кенг қамровли тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Фондннинг асосий акцияларидан бири "Саломатлик" поездларидир. Саломатлик поездларини етказиш йирик тиббий-ижтимоий лойиҳалардан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўтган давр мобайнида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларига манзилли равишда ёрдам кўрсатилди.

Анжуманда инсонлар саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тиббий-ижтимоий лойиҳалар кўламини кенгайтириш ва келажакдаги истиқболли режалар хусусида фикр алмашилди.

Тадбир сўнгида фонднинг келгусидаги дастур ва лойиҳалари ҳақида журналистларга маълумот берилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА



Китоблар — маънавият сарчашмаси

ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Онам айтган аллалар" фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар навқирон авлодни тарихга эҳтиром руҳида камолга етказиш, эзгу қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётгани таъкидланди. Алла – ўзининг жозибаси, бетакрорлиги, тингловчига миллий руҳ ва маънавий қудрат бахш этиши билан аҳамиятлидир. Бу қўшиқ инсонийлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгу орзулар, баркамол авлод тарбияси каби умуминсоний анъаналарга уйғун. Халқ амалий педагогикасининг муҳим воситаси бўлган аллани янада оммалаштириш мақсадида фольклоршунос олимлар томонидан алла чуқур ўрганилмоқда. Барча замонда ўз қадр-қимматини йўқотмайдиган бу қўшиқ бола руҳига Ватанга муҳаббат, халқи ва оиласига ҳурмат фазилатларини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу фестиваль халқимизнинг бетакрор маданияти дурдоналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, чекка ҳудудларда халқ оғзаки ижоди намуналарини қуйловчи, анъаналарни авлодларга етказувчи иқтидор соҳибаларини аниқлаш ҳамда уларнинг ижодини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

– Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида таъкидланганидек, жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади, – дейди фестиваль иштирокчиси Феруза Маҳмудова (Қашқадарё вилояти). – Бу каби тадбирлар ёш оналарга алла айтишни ўргатиш, ушбу маросим билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарни тарғиб қилиш, унинг давомийлигини таъминлашга мустаҳкам замин яратмоқда.

Фестивалнинг қуйи босқичида тўрт юз нафар ўланчи, лапарчи, фольклор жамоалари вакиллари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос аллалари билан иштирок этди. Якуний босқичда қирқ икки нафар ижрочи маҳорати баҳоланди. "Энг ёш ижрочи", "Фахрий ижрочи", "Урф-одат ва анъаналар тарғиботчиси", "Саҳна маданияти", "Ижро маҳорати учун", "Мухлислар олқиши учун", "Оригинал ижрочи учун" каби йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, тақдирланди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

ЙЎНАЛИШСИЗ ТАКСИЛАР ФАОЛИЯТИ НАЗОРАТДА

Бугунги кунда республикамизда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини тартибга солиш ҳамда уни қонуний асосда ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган.

Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қарорига кўра автомобиль транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти лицензия асосида фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, йўловчилар ташиш транспортини ривожлантириш соҳасида ягона техника сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, улар томонидан йўловчиларни ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом тасдиқланган.

Мазкур Низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўриниши ва ички маълумотлар билан жиҳозланиши, йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчиларига нисбатан талаблар, шунингдек, йўловчилар ва уларнинг йўловчи йўналиши бўйича багажини ташиш бўйича хизматлар кўрсатадиган енгил автотранспорт воситаларининг барча турларига нисбатан ягона талаблар белгилаб берилган. Унга кўра, ташқи ва ички маълумотлар билан жиҳозлаш белгилари йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ҳисобланади. Ягона таниш белгилари транспорт оқимида автотранспорт воситасининг ажралиб туришини ва танилишини таъминлаш учун мўлжалланган ҳамда уларнинг йўналишсиз таксиларда йўловчилар ташишни амалга оширувчи барча ташувчилар учун мажбурийлиги белгиланган.

Белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда ушбу автотранспорт воситаси учун лицензия карточкасининг амал қилинишини тўхтатиш тарзидаги таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилиши, шунингдек, йўналишсиз такси ҳайдовчисининг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланган ҳолларда ҳайдовчига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 176-4-моддасига асосан ягона таниш белгилари билан жиҳозланмаган ёки белгиланган талаблар бузилган ҳолда жиҳозланган таксиларни йўлга чиқариш транспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, белгиланган тартибда ягона таниш белгилари билан тўлиқ жиҳозланган таксиларнинг ҳайдовчилари томонидан мазкур белгилардан қасддан фойдаланмаслик ёки улар шикастланганлигига қарамай йўловчиларни ташиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 176-3-моддасига кўра автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан 100 бараваригача, мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан ушбу йўналишда белгиланган тартиб ва меъёрий-ҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши юзасидан аҳоли орасида доимий равишда тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, автотранспорт воситаларида аҳолига ноқонуний равишда пулли хизмат кўрсатишга барҳам бериш мақсадида Йўл хавфсизлиги хизмати бошқармаси, туман давлат солиқ инспекциялари, Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти билан ҳамкорликда жами 70 кишидан иборат 20 та ишчи гуруҳлари мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказмоқда. Ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланган 666 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрилган.

Таъкидлаш жоизки, юртдошларимиз тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида яратиб берилаётган қулай шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўз фаолиятларини қонуний асосда ташкил этсалар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатимиз томонидан мустаҳкам ҳимояланади.

Азим ҲАКИМОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

"АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АҲОЛИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ" МАВЗУИДА

ННТлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қуйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлиги соҳасида амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ҳақида аҳоли хабардорлигини, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда улар фаоллигини юксалтириш.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳияти, энг муҳим нормалари, жамоат экологик назоратини амалга ошириш, экологик назорат жамоат инспекторларининг фаолияти ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш.

3. Экологик таълимни ривожлантириш, экологик билимларни тарғиб қилиш, аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик муаммоларни ҳал этишга жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб қилиш.

4. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик талаблари бузилиши юзасидан кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали унинг олдини олиш.

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур шароитларни шакллантириш.

6. Аҳолининг ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳаллалар ҳудудида санитария-экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги аҳоли фаоллигини ошириш, шу жумладан, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш.

7. Корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасаларида муқобил энергия манбалари, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологиялар жорий этилиши ҳамда ишлаб чиқаришда технологик жараёнлар такомиллаштирилишини тарғиб қилиш.

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтириш учун зарур шароитларни шакллантириш, аҳоли саломатлигига, ёшларнинг тарбиясига унинг салбий таъсирини бартараф этиш, жамиятда соғлом авлодни тарбиялашни ва соғлом турмуш тарзини оммалаштириш.

9. Орол ҳалокатининг атроф-муҳитга ва аҳоли саломатлигига салбий таъсирини юмшатиш, Оролбўйи ҳудудининг, мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида экологик вазиятни тиклаш ва соғломлаштириш.

10. Ўзбекистонда экологик туризмни, экосайёҳлик фаолиятининг ахборот ва инфратузилмавий таъминотини ривожлантириш, экосайёҳлик йўналишларини ташкил этиш, республика аҳолиси орасида экотуризмни оммалаштириш.

11. Экологик журналистикани ривожлантириш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича мақолалар сифатини ошириш, Интернетда Ўзбекистон табиатининг бетакрор гўзаллиги ва хилма-хиллиги, ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бағишланган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги махсус манбаларни яратиш.

12. Ноёб ҳайвон ва ўсимлик турларини кўпайтириш ҳамда муҳофаза қилишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

13. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг энергияни иқтисод қилиш ва ресурс тежайдиган технологияларнинг муҳимлиги масалаларига бўлган дунёқараши ҳамда муносабатини тубдан ўзгартириш мақсадида тарбиявий-маърифий ишларни кенгайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.

3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.

4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.

6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 25 июндан 10 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди" номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган мухрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Спорт янгиликлари

ЎСМИРЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

Дунёнинг энг кучли ўсмир теннисчилари қаторида Англиядаги "Nike Junior International Roehampton — 2016" халқаро турнирида иштирок этаётган икки нафар етакчи теннисчимиз — Жўрабек Каримов ва Ҳумоюн Султонов асосий тўр баҳсларини ғалаба билан бошлади.

Мусобақада тўққизинчи рақамда сараланган Жўрабек Каримов илк учрашувида россиялик Павел Котовга қарши кортга чиқди. Қизиқарли кечган баҳс давомида рақибидан ҳар томонлама устунлигини намойиш қилган ҳамюртимиз 7:5, 6:2 ҳисобида зафар қучди.

Ҳумоюн Султонов эса австралиялик Алексей Попирин билан куч синашди. Кортда бор имкониятини ишга солиб, ҳужумкор ўйин намойиш қилган ўзбек теннисчиси рақибини 6:2, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб иккинчи босқичга йўлланма олди.

Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳрида от спорти бўйича Марказий Осиё кубогининг навбатдаги босқичи ўтказилди.

ЧАВАНДОЗЛАРИМИЗ ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

Ушбу мусобақада ҳудуднинг кўзга кўринган моҳир спортчилари иштирок этишди. Қувонарлиси, "FEI World Cup" дастурида ўзбекистонлик чавандоз — Аъзам Толибоев энг яхши натижани қайд этди.

Мазкур йўналишдаги кумуш медаль яна бир ҳамюртимиз Оқил Собиржоновга тегишли бўлди. "Рамиро" лақабли тулпорда қатнашган Толибоев Қозоғистон олимпия қўмитаси кубоги учун ўтказилган мусобақада ҳам зафар қучди. Ушбу турнирда Комил Собитов шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Икки фазали конкур йўналишида "Кинг Корнет" тулпорида беллашган Нодиржон Туякбоев ҳам олтин медалга сазовор бўлди. Ундан кейинги поғоналар Қирғизистон ва қозоғистонлик спортчиларга насиб этди.

Ботир ХЎЖАЕВ



ҲАМЮРТИМИЗ ҲАҚИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Футбол бўйича нафақат Осиёнинг, балки жаҳоннинг энг яхши рефериларидан бири ҳамюртимиз Равшан Эрматов фаолиятига ортиқча изоҳ беришнинг ҳожати йўқ.

Яқинда пойтахтимиз Тошкентда қитъамизнинг бешкарра энг яхши ҳаками, 2010-2014 йиллардаги жаҳон чемпионатлари иштирокчиси, ўтган йили жаҳоннинг энг яхши рефериси деб эътироф этилган Равшан Эрматов ҳақида ҳужжатли фильм суратга олинди.

Championat asia сайти хабарига кўра Беларусь телевидениеси ижодкорлари томонидан амалга оширилган суратга олиш жараёни Тошкентда, аниқроғи Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб ўтди. Дарвоқе, фильм ижодкорлари миллий терма жамоамиз бош мураббийси Самвел Бабаяндан ҳам интервью олишди. Шунингдек, футболимиз фахрийлари "Пахтакор – 79" жамоаси ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашишди. Мазкур фильм хорижликларнинг ўзбек футболига бефарқ эмасликларидан далолатдир. Фильм томошабинларга манзур бўлади.

Мадина ЗОКИРОВА

Жорий йилнинг 15 сентябрь – 2 октябрь кунлари Ҳиндистонда футбол бўйича 16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтишидан муҳлисларнинг хабари бор албатта.

ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИГА ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Мазкур нуфузли турнирда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этади. Лекин яқинда Осиё футбол конфедерацияси томонидан ўсмирлар ўртасида уюштириладиган қитъа биринчилигида ишлайдиган ҳакамлар рўйхати эълон қилинди. Эътиборлиси, Осиё чемпионатида ишлайдиган ҳакамлар орасида ҳамюртларимиз — ФИФА рефериларидан Азиз Асимов ва Руслан Серазитдинов ҳам бор.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ

Кўпчилик фуқаролар яшаш уйлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмасдан қурилганлиги сабабли, ёнғин бир хонадондан иккинчи хонадонга ҳам ўтиши тез-тез кузатилмоқда.

Сергели тумани Олтин водий кўчасида истиқомат қилувчи Жамшид жорий йилнинг январь ойида уйини иситиш мақсадида печкага қўшимча равишда резина шланг орқали газ олиб киради. Кечаси уй иссиқ бўлиб турсин деб, газ қурилмасини ўчирмасдан, соат 23:00 ларда фарзандлари билан ухлагани ётади. Ширин уйқуда ухлаб ётган Жамшид тахминан тонгги соат тўртларда тутун ҳидидан уйғониб кетади ва ётоқхонасида ёнғин бўлаётганлигини кўради. У тезда оила аъзоларини уйғотади ва ҳаммаси кўчага чиқишади. Бу вақтда кучайган ёнғин уйнинг том қисмига ўтиб қўшниси Икром аканинг уйининг том қисмига ўтиб кетган эди. Бундан хабар топган қўшнилар тезда ёнғин хавфсизлиги ходимларига қўнғироқ қилишди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари етиб келганларида олов қўшнисининг уйига ўтиб бўлган эди. Офат ўз вақтида бартараф этилиб, Икром аканинг яшаш уйининг ички қурилиш элементлари ва уй жиҳозлари ёнғиндан сақлаб қолинди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлигига риоя қилиши ва ўз ишининг мутахассисларини чақириб, газ ва электр қурилмаларининг ишлаш ҳолатини ўз вақтида кўрикдан ўтказиб туришлари зарур бўлади.

И.САРСЕНОВ,
ЁХБ-ҲЁХО 24-ХЁҲҚ кичик инспектори, сафдор

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан қуйидаги ер участкаларига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун Бектемир тумани, Жамил Тошкандий кўчаси, 56-уй ёнида жойлашган умумий майдони 0.10 га бўлган, минимал қиймати 1 900 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 550 000 000 сўм.

2. Савдо мажмуаси қурилиши учун Миробод тумани Фарғона йўли ва Парвона кўчалари кесишган ҳудудида жойлашган умумий майдони 0.10 га бўлган, минимал қиймати 3 900 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 400 000 000 сўм.

3. Таркибида савдо шохобчаси бўлган ўрта қаватли автотураргоҳ қурилиши учун, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Янги Сергели кўчаси бўйида жойлашган умумий майдони 0.32 га бўлган, минимал қиймати 12 600 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 16 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 3 000 000 000 сўм.

4. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Мехригиё кўчаси, 2-уй олдида жойлашган умумий майдони 0.08 га бўлган, минимал қиймати 3 100 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 000 000 000 сўм.

5. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, Сергели тумани, Қурувчи даҳаси, Хонобод кўчаси бўйида жойлашган умумий майдони 0.10 га бўлган, минимал қиймати 1 900 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 000 000 000 сўм.

6. Офис ва ўқув маркази қурилиши учун, Олмазор тумани, "Ғалаба" маҳалласи, Қорақамиш-3 кўчаси, 3, 4 ва 5-уйлар оралиғида жойлашган умумий майдони 0.06 га бўлган, минимал қиймати 2 370 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 000 000 000 сўм.

7. Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун, Яшнобод тумани, Тараққиёт кўчаси, лойиҳадаги (Г-60) бўйида жойлашган умумий майдони 0.22 га бўлган, минимал қиймати 8 700 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 4 000 000 000 сўм.

8. Спорт-соғломлаштириш ва ўқув маркази қурилиши учун, Шайхонтохур тумани, Оқтепа даҳаси, Самарқанд Дарбоза кўчаси, 7-уй ўнг томонида жойлашган умумий майдони 0.19 га бўлган, минимал қиймати 11 300 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 2 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 500 000 000 сўм.

9. Автомототранспорт воситаларини доимий сақлаш жойи (очиқ автотураргоҳ) қурилиши учун Шайхонтохур тумани, Белтепа даҳаси, Белтепа 1-тор кўчаси, 19-уй орқа томонида жойлашган умумий майдони 0.20 га бўлган, минимал қиймати 7 900 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 500 000 000 сўм.

10. Спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши учун, Шайхонтохур тумани, Баҳор кўчаси, 16-уй ёнида жойлашган умумий майдони 0.25 га бўлган, минимал қиймати 19 800 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 5 000 000 000 сўм.

11. Автомототранспорт воситаларини доимий сақлаш жойи қурилиши учун, Юнусобод тумани, Ш.Рашидов кўчаси, Анҳор канали бўйида жойлашган умумий майдони 0.3898 га бўлган, минимал қиймати 38 600 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 600 000 000 сўм.

12. Ўқув ва спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиши учун, Юнусобод тумани, Юнусобод-15 мавзе, Аҳмад Дониш кўчаси, 75-уй ёнида жойлашган умумий майдони 0.10 га бўлган, минимал қиймати 3 900 000 сўм бўлган 1 дона ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Қурилиш муддати 3 йил, яратилиши лозим бўлган энг кам ишчи ўрни 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори 1 500 000 000 сўм.

Талабгорларнинг танлов таклифлари қайд этилган конвертлари 2016 йил 5 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси кичик мажлислар залида очилади ва таклифи энг яхши деб топилган танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлардан буюртманомалар 2016 йил 1 июль кунидан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 4 август куни соат 18:00.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман ва шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов кунида сотилмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдоси 2016 йил 22 август ва 2 сентябрь куни соат 10:00 дан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси кичик мажлислар залида бўлиб ўтишини ва белгиланган тартибда танлов ғолиби аниқланишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2016 йил 22 августдаги савдо учун 19 август, 2 сентябрдаги савдо учун 31 август кунлари соат 18:00 да тўхтатилади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш истагидаги юридик ва жисмоний шахслар:

- Ҳар бир ер участкаси бўйича танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олишлари;
- Савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан тегишли ер участкаси минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини буюртманомалар қабул қилинадиган охирги муддатга қадар тўлашлари;
- Закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха, танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган ҳар бир варағи имзоланган икки нусхадаги танлов таклифлари ва буюртманомасини савдо ташкилотчисига топширишлари лозим.

Танлов ҳужжатлари учун тўланадиган ҳақ ва закалат пуллари қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон ф-лдаги: МФО: 01036, СТИР: 207122519, ҳ/р: 20208000204920609019.

Савдо ташкилотчиси – "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖнинг "Тошкент шаҳар филиали" почта манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Тел: (0-371) 236-38-28. www.1kms.uz Лицензия RR-0001.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

I. Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхона тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қорасарой ва А.Қодирий кўчалари кесишувида жойлашган 3 х 6 ўлчамли реклама конструкцияси.

Бошланғич нархи – 9 300 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Toshkent Reklama-Servis" давлат унитар корхоналари.

Фаолияти ихтисоси: Реклама, ваколатли хизмати.

II. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Сайрам кўчаси 26-уй манзилида вақтинчалик сақланаётган "Наврўз" савдо комплекси металконструкция қурилиш материаллари иншооти.

Бошланғич нархи – 6 607 065 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 2, 17 август, 2, 19 сентябрь кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечиктирмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **1 июль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 22-24, кундузи — 38-40 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **1 ва 2 июль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5223
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ